

Учкудук тумани аҳолисига янги автостанция

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2724-сонли қарорида халқимизни автотранспорт хизматлари билан таъминлаш соҳасини янада ривожлантириш шаҳар ва қишлоқларда аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишда автотранспорт хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида “2017-2021 йилларда шаҳар ва қишлоқларда автотранспорт хизматларини янада ривожлантириш Дастур”и қабул қилинган.

Хусусан, Дастурда белгиланган Учкудук туманидаги “Ерлар-Ота” автостанцияси умумий смета қиймати 550 млн. сўм бўлиб, “Ерлар-Ота” МЧЖ томонидан қуриб битказилди ҳамда 6 сентябрь куни тантанали равишда халқ хизматига топширилди.

Автостанция қурилишида асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган материаллардан фойдаланилди. Автостанцияда йўловчилар учун алоҳида кутиш жойи, махсус оналар ва болалар хонаси, тиббий хизмат кўрсатиш хоналари барпо этилган. Автостанция туман марказида жойлашган бўлиб, ҳудудидаги кириш ва чиқиш жойида 1 та шлагбаум ўрнатилган. Шунингдек, кўчалар ва станция майдони билан боғлайдиган кириш ва чиқиш эшиги олдида тегишли равишда “Кириш” ва “Чиқиш” деган ёзувлар мавжуд. Автостанциянинг иш вақти эса соат 6-00 дан бошланиб 20-00 гача давом этади.

Автостанция Тошкент шаҳри ва вилоятнинг Хатирчи, Зарафшон, Кармана, Томди туманлари билан боғловчи йўловчи ташиш йўналишларида аҳолига транспорт хизмати кўрсатади. Бундан ташқари йўналишсиз таксилар хизматидан фойдаланиш учун алоҳида қулайликлар яратилган.

Автостанция Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги, Навоий вилоят ҳокимлиги, Учкудук туман ҳокимлиги ва вилоят Архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган миллийлигимизга мос лойиҳалар асосида бунёд этилди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати